

Истеъдодли шоир Рауф Парфи 1943 йилда Тошкент вилоятининг Шўралисой кишлогида дунёга келди. 1960—1965 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида тахсил кўрди. Жумхурият кино кўмитасида, Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлади.

Гарчи унинг илк шеърлари 50-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган бўлса хам у 60-йилларнинг ўрталарига келиб шоир сифатида танилди. Шундан сўнг унинг «Карвон йўли» (1968), «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Кайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1981) каби ўнлаб сара шеърият тўпламлари босилиб чиқди. «Сукунат» (1991), «Она Туркистон» (1992), «Туркистон рухи» (1993) хамда икки жилдли «Сайланма» асарлари (1993) чоп этилди. Агар унинг 1-жилди назм бўлса, 2-жилди насрый ва таржима асарларини ташкил этади. Сўнгги йилларда унинг «Шарк юлдузи», «Ёшлик» каби ойномаларда хамда «Ўзбекиотон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Ерк» рўзномаларида янги — мустакиллик даври муаммоларини хикоя килувчи ўнлаб ажойиб шеърлари ўз ўкувчиси калбини янгидан зabit этолди. У мохир таржимон сифатида Байроннинг «Манфред», Нозим Хикматиинг «Инсон манзарабари», Карло Каладзенинг «Денгиз хаёли каби асарларини ўз она тилига ўгирди.

У шоир, таржимонгина эмас, носир, маколанавис сифатида хам ўз ўкувчисига якинdir.

Рауф Парфи ўзининг «Сабр дарахти» (1986) шеърий тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хамид Олимжон номидаги совринига мушарраф бўлган. 1992 йилда халкаро Махмуд Кошгариј совринига хам эга бўлди.